



БАЧАДОНДАН ТАШҚАРИ ҲОМИЛАДОРЛИҚДА ПАТОЛОГО-АНАТОМИК ТЕКШИРУВНИНГ КЛИНИК ТАШХИСНИ ТАСДИҚЛАШДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Аслонов Ғулом Аслонович

*Навоий давлат университети Клиник фанлар кафедраси доценти, тиббиёт
фанлари номзоди. Ўзбекистон, Навоий шаҳри 210100;*

Ҳомидова Мушарраф Уйғун қизи

*Навоий давлат университети Даволаш иши йўналиши 2-курс талабаси.
Ўзбекистон, Навоий шаҳри 210100;*

Пулатова Маржона Журабек қизи

*Навоий давлат университети Даволаш иши йўналиши 2-курс талабаси.
Ўзбекистон, Навоий шаҳри 210100.*

Аннотация: *Бачадондан ташқари ҳомиладорлик (БТХ) акушерлик ва гинекологияда долзарб муаммолардан бири бўлиб, оналар ўлими ва репродуктив саломатликнинг бузилишида муҳим ўрин тутди. Ушбу илмий ишда БТХ ҳолатларида патолого-анатомик (айниқса микроскопик) текширувнинг клиник ташхисни тасдиқлашдаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинди. Тадқиқот давомида тубэктомия амалиётидан сўнг олинган биоматериаллар морфологик жиҳатдан ўрганилиб, найдаги ҳомиладорликка хос белгилар — хомила ворсинкалари ва децидуал тўқималар аниқланди. Олинган натижалар БТХни аниқ ташхислашда патолого-анатомик текширувни мажбурий босқич сифатида жорий этиш зарурлигини кўрсатади.*

Калит сўзлар: *бачадондан ташқари ҳомиладорлик, эктопик ҳомиладорлик, патолого-анатомик текширув, хомила ворсинкалари, децидуал тўқима, тубэктомия*

ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ

Бачадондан ташқари ҳомиладорлик ҳолатларида патолого-анатомик текширувнинг клиник ташхисни тасдиқлаш, асоратларни баҳолаш ва такрорий БТХ хавфини камайтиришдаги илмий-амалий аҳамиятини ўрганиш ва асослаш.

ТЕКШИРУВ УСУЛЛАРИ

Тадқиқот кўйидаги усуллар асосида олиб борилди:

- клиник-анамнестик маълумотларни таҳлил қилиш;
- физикал текширув натижаларини баҳолаш;
- кичик чаноқ аъзоларининг ультратовуш текшируви (УТТ);
- қонда хорионик гонадотроп гормон (ОХГ) ни сифатли ва миқдорий аниқлаш;



- жарроҳлик (тубэктомия) амалиётдан кейин олинган биоматериалларни макро- ва микроскопик патолого-анатомик текширувдан ўтказиш;

- гистологик препаратларни ёруғлик микроскопи ёрдамида таҳлил қилиш.

ИШ МАТЕРИАЛИ ВА ИЗЛАНИШЛАР

Тадқиқот Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Навоий вилоят филиалида ўтказилди. Кузатув остига биринчи триместрда БТХ гумони билан жарроҳлик амалиёти ўтказилган репродуктив ёшдаги аёллар олинди.

Жарроҳлик амалиёти давомида олинган бачадон найлари патолого-анатомия бўлимига юборилиб, стандарт усуллар асосида фиксация қилинди, парафин блоklar тайёрланди ва гематоксилин-эозин билан бўялган гистологик кесмалар тайёрланди.

ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Микроскопик текширув натижаларида қуйидаги морфологик белгилар аниқланди:

- бачадон найи деворида хомила ворсинкаларининг мавжудлиги;

- децидуал трансформацияга учраган эндометрийга ўхшаш тўқима элементлари;

- қон қуйилишлар ва яллиғланиш инфильтрацияси белгилари.

Аниқланган ушбу морфологик ўзгаришлар найдаги ҳомиладорлик ташхисини ишончли тасдиқлади. Айрим ҳолатларда клиник ва УТТ маълумотлари ноаниқ бўлганига қарамасдан, айнан патолого-анатомик текширув якуний ташхис қўйиш имконини берди.

Олинган натижалар адабиётларда келтирилган маълумотлар билан мос келиб, БТХ ҳолатларида морфологик текширув “олтин стандарт” эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

ХУЛОСА

1. Бачадондан ташқари ҳомиладорлик оналар ўлими ва репродуктив функциянинг бузилишига олиб келувчи жиддий акушерлик патологиясидир.

2. Клиник ва инструментал усуллар билан бир қаторда патолого-анатомик (микроскопик) текширув БТХ ташхисини тасдиқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

3. Хомила ворсинкалари ва децидуал тўқималарнинг аниқланиши найдаги ҳомиладорликнинг ишончли морфологик белгиларидир.

4. Жарроҳлик амалиётдан кейин олинган барча биоматериаллар мажбурий тарзда патолого-анатомик текширувга юборилиши лозим.

ТАВСИЯЛАР

1. Репродуктив ёшдаги аёллар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тўғри овқатланиш ва витамин-минераллар қабул қилиш бўйича профилактик тадбирларни кучайтириш лозим.



2. Бачадондан ташқари ҳомиладорлик бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилган барча ҳолатларда патолого-анатомик хулоса клиник ташхиснинг ажралмас қисми сифатида қабул қилиниши керак.

3. Аёлларга операциядан кейинги даврда ҳомиладорликни режалаштириш, яллиғланиш касалликларини ўз вақтида даволаш ва ўз-ўзича даволанишдан сақланиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аслонов Ғ.А., Болтаев Н.А. Бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг клиник-морфологик хусусиятлари // Тиббиёт назарияси ва амалиёти. – Тошкент, 2021. – №3. – Б. 45–49.

2. Савельева Г.М., Серов В.Н., Радзинский В.Е. Акушерство. – Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2020. – 1056 с.

3. Novak E.R., Berek J.S. Berek & Novak's Gynecology. – 16th ed. – Philadelphia: Wolters Kluwer, 2020. – P. 657–676.

4. Cunningham F.G., Leveno K.J., Bloom S.L. et al. Williams Obstetrics. – 26th ed. – New York: McGraw-Hill, 2022. – P. 377–392.

5. Kurman R.J., Ellenson L.H., Ronnett B.M. Blaustein's Pathology of the Female Genital Tract. – 7th ed. – New York: Springer, 2019. – P. 623–641.

6. Худайбергенов Б.Х., Нурматов Ш.А. Эктопик ҳомиладорликда патолого-анатомик ташхиснинг аҳамияти // Ўзбекистон тиббиёт журнали. – 2019. – №4. – Б. 52–56.

7. WHO. Maternal mortality: ectopic pregnancy and related conditions. – Geneva, 2018.